ОКТЯБРЬ БОЙРҒ

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ—УЛУҒ ОКТЯБРГА!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 28 (5889).

9 ФЕВРАЛЬ ЧОРШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ОКТЯБРГА МЕҲНАТ ТУҲФАЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарори менинг ва ўртоқларимнинг кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшди. Бу ҳужжатнинг ҳар бир сатри бизни чексиз қувонтиради ва қалбимизни ифтихор ҳислари билан тўлдиради. Ахир барча тенг ҳуқуқли, ишсизлик нималигини билмайдиган жамиятда яшаб меҳнат қилмоқдамиз, бу жамиятда халқ бахт-саодати учун жуда кўп иш қилинмоқда.

Байрамларни яхши совғалар билан кутиб олиш мамлакатимизда анъана бўлиб қолди. Шунинг учун мен ҳам Октябрнинг юбилейини ҳамма сингари зарбдор меҳнат билан кутиб олишни ҳохлайман. Мен О. Багриновская бошлиқ комсомолёшлар бригадасида звено бошлиғи бўлиб ишлайман. Менинг группамда беш киши бор. Беш кишининг ҳаммаси 15 та операцияни бажара оламиз. Бу бизга кунлик топшириқни 120-130 процент бажаришда қўл келмоқда. Биз тажрибали ишчиларнинг иши билан танишадиган илғор тажриба мактаби машғулотлари ҳам топшириқларни ортиғи билан бажаришимизда муҳим роль ўйнамоқда. Мен бундан тўрт йил муқаддам тикувчилик цехимизнинг остонасига биринчи марта кириб келганимдаёқ одамларнинг меҳрибонлигидан, менга нақадар эътибор билан қарашганидан ғоят ҳурсанд бўлган эдим. Бирор ишни эплай олмасам дугоналаримнинг деярли ҳаммаси менга кўмаклашишга интилиб, ўша нарсани тушунтиришар, менга маслаҳат беришарди. Эндиликда эса ўзим мураббий бўлиб қолдим. Октябрнинг 60 йиллигига қадар иккита шогирд тайёрлайман деб сўз бераман. Жами 20 та турдош операцияларни эгаллайман, беш йилликнинг икки йиллик планини 1977 йилнинг 7 ноябригача бажараман.

Саодат НЕЪМАТОВА,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик бирлашмасининг тикувчиси.

ОЛИЙ МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

8 февраль куни Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бир неча иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиуми раисларига орденлар топширди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. М. Матчоновга, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси С. Б. Нигъбековга, Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. С. Баркаускасга Ленин ордени топширилди.

Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Т. Қулатовга, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Холовга, Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. Қиличевга Меҳнат Қизил Байроқ ордени топширилди.

Н. В. Подгорний мукофотланганларни самимий табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаолиятларида янгидан-янги катта муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

ТАСС АХБОРОТИ

«СОЮЗ-24» КЕМАСИ ОРБИТАДА

1977 йил 7 февралда Москва вақти билан соат 19 дан 12 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз — 24» космик кемаси учирилди. Уни кема командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР нинг космонавт учувчиси полковник Виктор Васильевич ГОРБАТКО билан бортинженер подполковник-инженер Юрий Николаевич ГЛАЗКОВдан иборат экипаж бошқармоқда.

«Союз-24» кемасини учиришдан мақсад «Салют-5» орбитал илмий станциясида илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларни давом эттиришдан иборатдир. Бу тадқиқот экспериментлар 1976 йилнинг 7 июлида «Союз-21» транспорт кемаси билан «Салют-5» станциясининг биргалашиб учиши билан бошланган эди.

«Союз-24» кемаси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди, экипаж ўзини яхши ҳис қиляпти.

Космонавт ўртоқлар Горбатко ва Глазков учиш программасини бажаришга киришдилар.



Полковник Виктор Васильевич ГОРБАТКО

«Союз-24» космик кемасининг командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР нинг космонавт учувчиси Виктор Васильевич ГОРБАТКО 1934 йилда Краснодар ўлкаси Кавказ районининг Вешки-заря посёлкасида туғилди.

Батайскдаги учувчилар тайёрловчи ҳарбий авиация билим юртини тамомлаб чиққандан кейин Совет Армиясининг авиация қисмларида ҳизмат қилди.

В. В. Горбатко 1960 йилда космонавтлар отрядининг аъзоси бўлди. 1968 йилда ишлаб турган ҳолда Н. Е. Жуковский номли ҳарбий-ҳаво инженерлик академиясини битириб чиқди.

Виктор Васильевич 1969 йил учта космик кема — «Союз-6», «Союз-7», «Союз-8» кемаларининг группа бўлиб қилган парвозида «Союз-7» кемасида тадқиқотчи-инженер сифатида қатнашди, «Союз-23» кемаси командирининг дублёри бўлди.

В. В. Горбатко 1959 йилдан бери Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси. У кенг кўламда жамоатчилик ишлари олиб боради. Совет-Монголия дўстлиги жамияти Марказий правлениесининг раиси, СССР парашют спорти федерациясининг раисидир.



Подполковник-инженер Юрий Николаевич ГЛАЗКОВ

«Союз-24» космик кемасининг бортинженери Юрий Николаевич ГЛАЗКОВ 1939 йилда Москвада туғилди.

У 1962 йилда Харьковдаги олий авиация инженерлик ҳарбий билим юртини битириб чиқди. Шундан кейин Совет Армиясининг авиация қисмларида инженер бўлиб ишлади.

Ю. Н. Глазков 1965 йил. да космонавтлар отрядига қабул қилинди. Юрий Николаевич космик парвозга тайёргарлик давомида учувчилик касбини эгалларди, турли типдаги самолётларда парвоз қилди.

У Ҳарбий-Ҳаво кучлари парашют-десант тайёргарлигининг инструкторидир.

Ю. Н. Глазков учувчи бошқарадиган кемалар ва станциялар парвозини бошқаришда бир неча бор қатнашди. «Союз-23» кемаси бортинженерининг дублёри бўлди.

Ю. Н. Глазков 1966 йилдан бери Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Юрий Николаевич 1974 йилда кандидатлик диссертациясини ёқлади.

ИЛҒОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, КАСАБА СОЮЗЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ВА ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети ва область комсомол комитети мева, сабзавот маҳсулотлари ва картошка етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан районлар, колхозлар, совхозлар ва бригадалар ўртасида 1976 йилда ўтказилган социалистик мусобақа якунини кўриб чиқиб, қарор қилдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлар область Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини **Калинин районига** (район партия комитетининг секретари Р. Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси Б. С. Тошхўжаев, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари касаба союзи район комитетининг раиси С. Исмоилов, район комсомол комитетининг секретари М. Жалилова, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Ж. Х. Ҳайдаров, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори Э. Халилов ўртоқлар), берилди. Район меҳнаткашлари сабзавот маҳсулотлари етиштириш планини 110,3 процент, мева етиштириш планини 179,7 процент, узум етиштириш планини 103,8 процент, йиллик сабзавот топшириғини 129,7 процент, картошкани 115,7, қовун-тарвузни 108,1, ҳўл меванн 270, узумни 117,4 процент қилиб бажаришни таъминладилар ва ҳар гектар ердан 225 центнер сабзавот, 117 центнер картошка, 94,5 центнер мева, 87,3 центнердан узум ҳосили олдилар.

Калинин райони область партия комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи Қуйи Чирчиқ районидаги **«Огонёк» совхозига** (директори М. Отажонов, партия комитетининг секретари А. Д. Шмид, ишчилар комитетининг раиси А. Л. Морозов, комсомол комитетининг секретари Г. Пя, бош агроном В. А. Дубровина ўртоқлар) берилди. Совхоз ишчилари мева етиштириш планини 125,7 процент, узум планини 110 процент, давлатга мева топширишни 146 процент, узум топширишни 114 процент қилиб бажардилар ва ҳар гектар богдан 181 центнер, дан мева, 220 центнердан узум олдилар.

«Огонёк» совхози область партия комитети, область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи Бўстонлиқ районидаги **Жданов номли колхозга** (раиси А. Абдухолиқов, партия комитетининг секретари И. Абдуллаев, касаба союзлари комитетининг раиси Т. Тожибоев, комсомол комитетининг секретари С. Жубаев, бош агроном Б. Қурбонов ўртоқлар) берилди. Колхоз аъзолари сабзавот етиштириш планини 169,9 процент, мева етиштириш планини 217,5 процент, давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик топшириғини 163,7 процент, картошкани 108,4 процент, мева топшириғини 270,6 процент қилиб бажардилар ва ҳар гектар ердан 389,7 центнердан сабзавот маҳсулотларн, 98 центнердан мева олдилар.

Жданов номли колхоз ҳам область партия комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

1976 йилда мева, сабзавот маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш, ҳосилдорлигини оширишда эришган ютуқлари учун қуйидагилар область партия комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар:

— **Тошкент райони** (район партия комитетининг секретари Ю. Т. Толипов, район ижроия комитетининг раиси И. П. Турсуметов, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари касаба союзи район комитетининг раиси С. Тожиев, район комсомол комитетининг секретари Н. Лутфуллаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Р. Усмонова, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори И. Иноғомов ўртоқлар). Район меҳнаткашлари сабзавот етиштириш планини 104,9 процент, мева етиштириш планини 182,9 процент, узум етиштириш планини 113,6 процент, сабзавот етиштириш йиллик топшириғини 120,1 процент, қовунтарвуз бўйича 100,6 процент, ҳўл мева бўйича 290 процент, узум бўйича 137,8 процент қилиб бажардилар ва ҳар гектар ердан 220 центнердан сабзавот маҳсулотлари, 111 центнердан картошка, 84,7 центнердан мева, 97,5 центнердан узум ҳосили олдилар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қорақалпоқ адабиётининг асосчиси Бердақ Қарағвой ўғли туғилган кунининг 150 йиллиги тўғрисида қарор қабул қилди.

1977 йил декабрь ойида Тошкент шаҳрида шу санага бағишлаб тантаналн юбилей кечаси ўтказилади.

Юбилей тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари К. Н. Яшин раислигида ташкилот комитети тузилди.

Шоирнинг ижодий меросини кенг пропаганда қилиш мақсадида республика Фанлар академиясига ва Ёзувчилар союзига адибнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб 1977 йил ноябрь ойида илмий сессия ўтказиш; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитети ва республика Фанлар академияси Ўзбек ва рус тилларида Бердаҳнинг танланган асарлари бир томликлари, шунингдек унинг ҳақидаги китобчани нашр этиш; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кинематография Давлат Комитетига бир қисмли ҳужжатли фильм чиқариш; республика газеталари ва журналларига, ЎзТАГга, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радиоэшиттириш Давлат Комитетига юбилейга тайёргарликнинг ва белгиланган тадбирларнинг қандай амалга оширилаётганлигини ёритиш топширилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига Нукус шаҳрида Бердақга ёдгорлик ўрнатиш, шунингдек Нукус университетининг филология факультетида унинг номига битта стипендия белгилаш топширилди.

ТОШКЕНТ геологоразведка заводининг коллективи талаб ортиб бораётган кўплаб маҳсулотларни юқори сифат билан ишлаб чиқараётир. Бунда завод ишчилари ўртасида авж олаётган социалистик мусобақанинг аҳамияти катта бўлаяпти.

Суратда: нормаларнни 140—150 процент қилиб бажараётган мусобақа илғорлари токарь С. Мақсумов (юқорида) ва фрезеровкачи А. Бурмистровларни (пастда) кўриб турибсиз.

Ж. Тўраев фотолари.





ЯНГИ РЕЖАЛАР

ДАЛАЛАР қиш уйқусида. Атрофни оппоқ қор қоплаган. Бир қарашда сокинлик ва осойишталик ҳукмронга ўхшайди. Лекин биз кўкламги тайёргарлик ишларини бошлаб юборганимизга анча бўлди. Колхозимиздаги барча техника воситалари дала ишларига шай қилиб қўйилган. Маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишларини қизғин давом эттирмоқдамиз. Об-ҳавонинг илиқ-иссиқ кунларидан фойдаланиб, ариқ-зовурларни тозалаш ишларини ҳам бошлаб юбордик.

Янги ҳосил тараддуди кўрилаётган бир пайтда КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорининг эълон қилиниши айни муддао бўлди. Колхозимиз аъзолари бу муҳим ҳужжатда илгари сурилган қоида ва хулосаларни зўр қизиқиш билан ўрганиб чиқмоқдалар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига муносиб совға тайёрлаш мақсадида ўз резерв ва имкониятларимизни қайта кўриб чиқиб, ишларимизни режаламоқдамиз.

Мавжуд камчиликлар принципиал, ишчан танқид остига олинсин, резервлар ғайрат билан очилиб, улардан фойдаланилсин, илғор тажрибалар кенг ёйилсин, дейилади КПСС Марказий Комитетининг қарорида.

Дарҳақиқат, бизда фойдаланилмаётган резерв ва имкониятлар анчагина. Деҳқончиликни жадал ривожлантириш, ҳосилдорликни муттасил ошириб бориш билан бирга чорвачиликни янада ривожлантиришга жиддий эътибор бермоқдамиз. Қиш фаслида фермаларимизда озуқа ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, ем-хашакни қайта ишлашни ташкил қилиш, уларнинг тўйимлилигини оширишни таъминлашни йўлга қўйдик. Натижада чорва молларининг маҳсулдорлиги ошиб бормоқда. Ҳозир ҳам ёздагидек кўплаб миқдорда сут соғиб олмоқдамиз.

Бу йил давлатга 48 тонна гўшт етказиб беришни планлаштириб қўйдик. Гўштга сотиладиган ҳар бир қорамолнинг тирик вазнини 500 килограммга етказамиз. Бу 1976 йилдагидан 55 килограмм кўпдир. Ҳар бир говмушдан соғиб олинадиган сут миқдорини 4 минг килограммга етказишга сўз бердик. Давлатга жами 770 тонна серқаймоқ сут етказиб берамиз.

Деҳқончилик маданиятини йилдан-йилга юксалтириб бораётган колхозчиларимиз бу йил ҳар йилдагидан ҳам кўпроқ сабзавот, мева ҳосили олишга азму-қарор қилдилар. Жумладан, ўтган йилдагидан 100 тонна кўп картошка етиштирамиз. Давлатга 1100 тонна картошка сотилади. Сабзавот сотиш 6 минг тоннага етказилади. Бу ўтган йилдагидан 472 тонна кўпдир. Шунингдек, 130 тонна мева, 245 тонна узум сотиш мажбуриятини қабул қилдик.

Район партия комитети деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан белгилаган тадбирларимизни маъқуллади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, мажбуриятимиз улкан. Ана шу мажбуриятни бажариш дала ишларини агротехника қоидалари асосида ташкил қилишни, техника ва механизациядан самарали фойдаланишни талаб қилади. Колхозчиларимиз буни яхши билишади. Машина ва трактор агрегатларини икки сменада ишлатиш тадбирларини ўйлаб қўйдик. Шунда механизаторларимиз энг юксак меҳнат унумдорлигига эришадилар. Машиналарнинг техникавий имкониятларидан тўла фойдаланилади.

Колхозчиларимизнинг бугунги ишлари, бугунги кайфиятлари ўз сўзлари устидан албатта чиқишларидан далолат бериб турибди. КПСС Марказий Комитетининг қароридан руҳланган деҳқонларимиз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар. Бизнинг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёрланган туҳфамиз ана шундай бўлади.

Ф. АБДУЛЛАЕВ,
Калинин районидаги Калинин номли колхоз раиси.

К. ТОШЕВ,
колхоз партия комитетининг секретари.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КУЧ-ҚУДРАТ МАНБАИ

ЧИРЧИҚДАГИ «Гунча» фабрикаси коллективи социалистик мусобақанинг форма ва методларини такомиллаштира бориб ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга эришмоқда. Корхонада ҳар бир ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимнинг социалистик мусобақада актив иштироки таъминланган. Фабрика партия ташкилотининг секретари А. РОМАШКОВЕЦ халқ хўжалик план топшириқларини ошириб бажариш учун чеварлар олиб бораётган кураш ҳақида қуйидагича ҳикоя қилиб берди.

Яқинда 3-цех бошлиғи коммунист И. Зазуля партком ҳонасига таклиф билан кириб қолди:

— Ўтган йили цехимизда икки бригада янгийўлликларнинг қолоқларсиз ишлаш ташаббусига қўшилган эди, — деди у. — Бу йил цехимиздаги ҳамма бригада аъзолари бу ҳаракатга тўла қўшилишди.

У бироз тин олди-да, давом этди.

— Биз бу ҳаракатни илгариоқ бошлаган эдик. Сиз новдан яхши ўтдик, тажрибамиз ҳам бор. Бошқалар билан уни ўртоқлашишга тайёрмиз.

Бу коммунистга хос иш. Партия аъзоси фақат ўз ишлаб чиқариши учунгина эмас, умум иш учун жон куйдириши лозим. Биз ҳақиқатан 3-цех коллективи тажрибасини ўргандик. Коллектив ютуғининг сабаби социалистик мусобақанинг оммавийлигига эришилганидадир. Цехда ҳар бир ишчи ўз мусобақадошига эга. Сменада энг юқори кўрсаткичга эришган ишчининг ютуқлари оператив суръатда деворий газета, молнияда акс эттирилади. Баъзан, бирор киши ойлик топширигини бажармай қолади. Бу ҳолда цех бошлиғи, партия ташкилотининг секретари ана шу ишчи билан суҳбатлашади, қолоқлик сабаби ўрганилади, лозим топилса илғор ишчига бириктириб қўйилади.

Ҳақиқатан бу усул жуда қўл келмоқда. Шу баҳона ҳар бир ишчининг имкониятлари яхши билиб олинади. Ўшанга қараб топшириқ берилади, иккинчидан тикувчининг ўзи ой охирида кўнгилсиз ҳол содир бўлишини истамай, ички резервлардан унумли фойдаланади, таклифлар билан чиқади.

Цех аҳли ўтган йили плондан ташқари 7770 та костюм ишлаб чиқаришга ваъда берган бўлса, йил охирида бу рақам 9450 ни ташкил этди. Шубҳасиз ана шундай муваффақиятларга эришишда коммунистларнинг ташаббускорлиги, авангардлик роли муҳим аҳамият касб этмоқда. Корхонамизда ана шундай ташаббускор коммунистлар кўп.

Шойи костюм тикиш участкасида кўпинча планлар бажарилмас, маҳсулот сифати ҳам талаб даражасида бўлмасди. Коммунист К. Ангарова ана шу участкага ўтиб ишлашга қарор қилди. Ташаббускор коммунистнинг ташкилотчилик қобилияти, одамлар билан муомала қила билиши туфайли тез орада бу участка аҳли илғорлар қаторидан ўрин олди. Партия ташкилоти коммунист Т. Псеревскаяга ҳам қолоқ сменага ўтиб ишлашни топширди. Т. Псеревская ҳам партия топшириғини шараф билан бажарди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, муқобил планлар қабул қилиш, ички резервларни қидириб топиш, барча топшириқларни зиёдаси билан адо этиш, ҳар бир ходимнинг актив иштирокини таъминлашда мусобақа аломатларидан ўрин тутар экан. Шунинг учун ҳам биз корхонанинг ҳар бир аъзосини бу ҳаракатда фаол иштирок этиши учун курашмоқдамиз. Ҳар ойда цехлар, бригадалар, сменалар бўйича мусобақага оператив суръатда якун ясаб борилади. Корхонамизда «Энг яхши мастер», «Ўз касбининг устаси», «Энг яхши инженер-техник ходим», «Энг яхши ёш ишчи» каби конкурслар ўтказиб турилади. Бу конкурс-мусобақада ғолиб келганлар фабрика ҳурмат тахтасига ёзилади ва пул мукофоти берилади. Уларнинг иш жойига вимпеллар илиб қўйилади. Агар ишчи, инженер-техник ходим бир йил мобайнида уч марта шундай шарафга муяссар бўлса фабрика фахрий китобига ёзилади ва яна пул мукофоти билан тақдирланади.

Партия ташкилоти мусобақани тўғри йўлга қўйиш, унинг самарали йўлларини қидириб топишни муҳим вазифалардан бири деб билади. Корхона бўйича мусобақа шартларини ишлаб чиқамиз. Якун ясалганда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан бирга илғор технология, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ҳажмини ошириш, қўшимча касбларни эгаллаш, шунингдек ишчи-хизматчиларнинг жамоат ишларида қатнашиши каби пунктлар эътиборга олинади. Булар омманинг ижодий ташаббусини қайнатади меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш хиссини шакллантиради, юксак ахлоқий ва коллективчилик сифатларини камол топиришнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади.

Партия йиғилишлари кун тартибига социалистик мусобақанинг бориши, уни такомиллаштириш масалаларини қўймоқдамиз. Шунингдек, коммунистларнинг ҳисоботлари тез-тез эшитиб турилмоқда. Бу кишиларни ўз тажрибасини бойитиб боришга, зўр ғайрат билан меҳнат қилишга, топширилган иш учун коллектив олдида жавобгарликни янада яхши англаб олишга чақиради.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорда ҳам ўнинчи беш йилликнинг халқ хўжалик план топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани ҳар томонлама ривожлантириш лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Қарорга жавобан биз корхонамизда социалистик мусобақанинг ошкоралиги ва оммавийлигини таъминлаш учун кураш олиб бормоқдамиз. Ўтган йили барча кўрсаткичлар бўйича топшириқларни знёдаси билан адо этдик. Йил бошида олинган мажбуриятга нисбатан 306 минг сўмлик кўп маҳсулот Сифат белгиси билан элга армуғон этилди. Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш, шунингдек 3 минг квадрат метр устки кийим материали, 10 минг шарфни ғалтак ип, шунингдек 28 минг киловатт-соат электр энергияни тежаб қолишга қарор қилдик. Ўтган йили барча ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 94,5 проценти биринчи категорияга топширилган бўлса, бу йил бу рақамни бирмунча кўтаришга эришамиз. Шубҳасиз, бундай муваффақиятларга эришишда социалистик мусобақа куч-қудрат манбаи бўлади.

М. ФЕЛЬДМАН.







● **ТОШКЕНТ ёғ-мой комбинати коллективи аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Корхона цехларида ўнлаб ҳар хил маҳсулотлар тайёрланмоқда. Шу кунларда комбинатда КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорига жавобан социалистик мусобақа авж олиб кетди. Барча ишчи-хизматчилар улуғ санани муносиб кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилишяпти. Суратларда: пахта мойини тозалаш цехи илғор ишчиларидан Р. Зименко ва Г. Баликиналар (юқорида) норманн доим ортиғи билан бажаришяпти. Улар коммунистик меҳнат зарбдорлари ҳисобланишади. Маргарин тайёрлаш цехининг оператори Маҳсума Зуфарова (ўртада) ва пахта мойини қадоқлаш цехининг смена мастери Озода Диёрова (пастда)лар ҳам пешқадамлар сафида боришяпти. Уларнинг смена давомидаги ўртача иш кўрсаткичлари 120—145 процентни ташкил этмоқда.**

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

● **Феруза ШАНПОВА «Ташкентхлеб» бирлашмаси 3-цехининг илғор ишчиларидан ҳисобланади. Уз касбини пухта эгаллаган бу меҳнатсевар новвой нормани доим 120 процентга етказиб бажараяпти. Суратда: илғор ишчи Ф. Шанпова янгигина тандирдан узилган оби нонларни савдо шохобчаларига юбориш учун тайёрламоқда.**

Х. Мирзакаримов фотоси.

ИЛҒОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

(Боши 1-бетда)

— Тошкент районидаги **Навоий номли колхоз** — гектаридан 285 центнердан сабзавот маҳсулотлари, 126 центнердан картошка ва 82 центнердан мева олинди;

— Тошкент районидаги **К. Маркс номли колхоз** — гектаридан 255 центнердан сабзавот маҳсулотлари, 138 центнердан картошка ва 118 центнердан мева олинди.

— Тошкент районидаги **«Ленин йўли» колхози** — гектаридан 247 центнердан сабзавот маҳсулотлари, 131 центнердан картошка, 261 центнердан полиз маҳсулотлари, 85 центнердан мева ва 240 центнердан узум олинди.

— Оржоникидзе районидаги **«Қибрай» совхози** — гектаридан 155 центнердан мева, 181 центнердан узум олинди.

Мева, сабзавот маҳсулотлари ва картошка ҳосилдорлигини оширишда эришган муваффақиятлари учун қуйидаги бригадалар об. даста партия комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландирилди:

БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИДАГИ ЖДАНОВ НОМЛИ КОЛХОЗ БЎЙИЧА:

— ҳар гектар ердан 408 центнердан сабзавот олган С. Аштаев бошлиқ бригада;

— гектаридан 403 центнердан сабзавот олган Х. Раҳматов бошлиқ бригада;

— гектаридан 400 центнердан сабзавот ҳосили олган Б. Нурчизаров бошлиқ бригада;

— гектаридан 391 центнердан сабзавот олган Х. Эргашев бошлиқ бригада;

— гектаридан 361 центнердан сабзавот олган С. Убайдуллаев бошлиқ бригада;

— гектаридан 349 центнердан сабзавот олган С. Ибраев бошлиқ бригада;

— гектаридан 333 центнердан сабзавот олган А. Мавлеиов бошлиқ бригада;

К. МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗДАН

— гектаридан 362 центнердан сабзавот олган Ш. Жайловбоев бошлиқ бригада;

КАЛИНИН НОМЛИ КОЛХОЗДАН

— гектаридан 238 центнердан ҳосил олган М. Болтабоев бошлиқ картошкачилик бригадаси;

«ХЎЖАКЕНТ» СОВХОЗИДАН

— гектаридан 132 центнердан ҳосил олган К. Эрназаров бошлиқ боғдорчилик бригадаси;

БУКА РАЙОНИДАГИ ҲАМЗА НОМЛИ КОЛХОЗДАН

— гектаридан 186 центнердан ҳосил олган С. Раҳмонқулов бошлиқ картошкачилик бригадаси;

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ «БЎЗСУВ» СОВХОЗИДАН

— гектаридан 506 центнердан ҳосил олган У. Калмонов бошлиқ сабзавотчилик бригадаси;

— гектаридан 524 центнердан ҳосил олган С. Муталиев бошлиқ сабзавотчилик бригадаси;

— гектаридан 718 центнердан ҳосил олган К. Ашрапов бошлиқ сабзавотчилик бригадаси;

«ХАСКОВО» СОВХОЗИДАН

— гектаридан 146 центнердан ҳосил олган О. Каримов бошлиқ боғдорчилик бригадаси;

«ПАРТИЯ XXI СЪЕЗДИ» СОВХОЗИДАН

— гектаридан 144 центнердан ҳосил олган М. Қурбонов бошлиқ боғдорчилик бригадаси;

ГАГАРИН НОМЛИ СОВХОЗДАН

— гектаридан 210 центнердан ҳосил олган Ш. Шоакмалов бошлиқ боғдорчилик бригадаси;

— гектаридан 195,4 центнердан ҳосил олган К. Усенов бошлиқ боғдорчилик бригадаси.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ «ҚИБРАЙ» СОВХОЗИДАН

— гектаридан 201 центнердан ҳосил олган Я. Мирахмедов бошлиқ боғдорчилик бригадаси;

— гектаридан 185,7 центнердан ҳосил олган С. Билолов бошлиқ боғдорчилик бригадаси;

— гектаридан 200 центнердан ҳосил олган Э. Тўйчиев бошлиқ узумчилик бригадаси;

«ДЎРМОН» СОВХОЗИДАН

— гектаридан 124 центнердан ҳосил олган Б. Эрежепов бошлиқ боғдорчилик бригадаси;

— гектаридан 198 центнердан ҳосил олган К. Раҳматуллаев бошлиқ узумчилик бригадаси.

«ХИМИК» СОВХОЗИДАН

— гектаридан 199 центнердан ҳосил олган Х. Норматов бошлиқ узумчилик бригадаси;

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» КОЛХОЗИДАН

— гектаридан 132 центнердан ҳосил олган К. Ҳайитматов бошлиқ боғдорчилик бригадаси;

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ НАВОИЙ НОМЛИ КОЛХОЗДАН

— гектаридан 425 центнердан ҳосил олган С. Рўзимов бошлиқ сабзавотчилик бригадаси;

— гектаридан 351 центнердан сабзавот ва 156 центнердан картошка олган И. Абдувалиев бошлиқ бригада;

— гектаридан 314 центнердан ҳосил олган А. Бўриев бошлиқ сабзавотчилик бригадаси.

«ЎЗБЕКИСТОН ССР 50 ЙИЛЛИГИ» КОЛХОЗИДАН

— гектаридан 346 центнердан ҳосил олган И. Ирисбекова бошлиқ сабзавотчилик бригадаси;

КАРЛ МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗДАН

— гектаридан 341 центнердан сабзавот ва 171 центнердан картошка олган И. Саъдуллаев бошлиқ бригада;

С. РАҲИМОВ НОМЛИ КОЛХОЗДАН

— гектаридан 305 центнердан ҳосил олган А. Сайдалиев бошлиқ сабзавотчилик бригадаси.

ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗДАН

— гектаридан 327 центнердан ҳосил олган Н. Эшонов бошлиқ сабзавотчилик бригадаси.

«ЛЕНИН ЙЎЛИ» КОЛХОЗИДАН

— гектаридан 254 центнердан ҳосил олган И. Нурхўжаев бошлиқ узумчилик бригадаси;

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ «ОГОНЁК» СОВХОЗИДАН

— гектаридан 258 центнердан ҳосил олган Е. Абзалов бошлиқ боғдорчилик бригадаси;

— гектаридан 341 центнердан ҳосил олган Ш. Давлатшоев бошлиқ боғдорчилик бригадаси;

— гектаридан 240 центнердан ҳосил олган Ш. Фозилов бошлиқ боғдорчилик бригадаси;

— гектаридан 220 центнердан ҳосил олган А. Дильман бошлиқ боғдорчилик бригадаси;

— гектаридан 253 центнердан ҳосил олган Б. Исмоилов бошлиқ узумчилик бригадаси;

— гектаридан 253 центнердан ҳосил олган А. Шляпин бошлиқ узумчилик бригадаси;

ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ «ОЛМАЗОР» СОВХОЗИДАН

— гектаридан 150 центнердан мева ва 250 центнердан узум олган М. Умбетов бошлиқ бригада;

Область матлубот жамияти Калинин районига, Қуйи Чирчиқ районидаги «Огонёк» совхозига, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозга социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

Область ижроия комитети Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган бригада коллективларига Москвага СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўриш учун йўлланма ажратилади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз» трести, хўжаликларнинг партия ташкилотлари раҳбарлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан 1977 йилда мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга топширишни кўпайтириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари зарур.

Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий-текшириш институти, Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти, область, район газеталари редакциялари, радио ва телевиденнега сабзавотчилик, полизчилик маҳсулотлари, картошка, мева ва узум етиштиришни кўпайтиришда социалистик мусобақа голиблари бўлган илғор район, колхоз, совхоз ва бригадаларнинг иш тажрибаларини ўрганиш ва кенг пропаганда қилиш топширилди.

СИФАТ БЕЛГИСИ БЕРИЛДИ

Оҳангарон пластмасса буюмлари комбинати коллективи ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини юқори сифат кўрсаткичларини қўлга киритган ҳолда якунлади. Улар корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш борасида тинмай изланишяпти. Бу изланишлар яхши самара бермоқда.

Яқинда корхонанинг яна уч маҳсулотига давлат Сифат белгиси берилди. Булар — полизникидлорлари тут-қич, мастика ва пенопласт плиталаридир.

Комбинат коллективи ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам юксак сифат кўрсаткичларига эришиш учун барча резервларни ишга солмоқда. Улар «Самарадорлик ва сифат беш йиллигига — ишчи кафолати» шиори остига социалистик мусобақани тобора авж олдиришмоқда.

М. ФЕЛЬДМАН.



ВАҚТДАН ЎЗИБ КЕТАЁТГАН КИШИЛАРГА...

«Мардлик» деб аталган бу китобнинг муқовасида кураш ва порлоқ истиқболга ишонч рамзи бўлган қизил чинни гул тасвирланган. СССР Ёзувчилар союзи улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишлаб режалаштирган адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий альманах китобларидан ана шу биринчисини Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти босмадан чиқарди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Николай Тихонов китобхонларга мурожаат қилиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган ушбу альманахда совет кишиларининг бутун тарихимиз давомидаги оммавий қаҳрамонлиги тўғрисида, халқимизнинг жанговар ва меҳнат жасорати ҳақида, совет жамиятининг буюк дўстлиги ва жипслиги ҳақида ҳикоя қилиб берамиз, деди. Бу ҳикояни Ўзбекистондан — 1976 йилда Ватанга беш миллион уч юз ўттиз минг тонна «оқ олтин» берган, меҳнат аҳлининг мардлиги табиат ниҳиликларидан кучлироқ бўлиб чиққан республикадан бошладик.

Китоб муаллифлари — ёзувчилар ва журналистлар, давлат ва жамоат арбоблари, меҳнатчилар ва жангчилардир. Китобнинг биринчи — «Ленин биз билан бирга!» деган бўлими, революцион шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Яшангиз ишчи-деҳқонлар!» шеъри билан очилади. Бу бўлимда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг «Бу тилда Ленин гапирар эди» сарлавҳали мақоласи бор.

Альманах саҳифаларида совет адабиётининг таниқли усталари К. Симонов, Ю. Бондарев, А. Сурков, Г. Марков, А. Первенцев, ҳам-юртларимизнинг шеърлари, очерклари, ҳикоялари, повестларидан олинган бўлимлар, лавҳалар бор. Ҳамюртларимиз орасида Ғ. Ғулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Уйғун, Зулфия, Миртемир, Адҳам Раҳмат, О. Ёқубов ва кўпгина бошқа муаллифлар бор.

Ҳаёт ва коммунистик идеаллар тантанаси йўлида жасорат кўрсатган совет кишилари ва синфдош қардошларимиз, ватанпарварлар ва интернационалистлар китобнинг қаҳрамонларидир. Шоир Ҳамид Ғулом уларни вактдан ўзиб кетаётган кишилар — коммунистлар деб атаган эди.

(ЎзТАГ).

МЕҲРИБОН ВА УСТОЗ ПЕДАГОГЛАР

ЎҚИТУВЧИ! Шу биргина сўз замирида қанчадан-қанча маъно ва мазмун мужассам. Ахир, айтишадику, педагогнинг йўли нурли йўл, деб! Бой билим ва педагогик маҳоратини ёш авлод тарбиясига бахшида этган моҳир ўқитувчи Собиржон ака Ҳидоятовнинг ҳам меҳнат фаолияти қувончли воқеаларга бой.

Жонқуяр педагог С. Ҳидоятов шарафли касбни танлаганига ўттиз йил бўлди. Бу жўшқин фаолиятнинг чорак асри Тошкентдаги 40-темирйўл мактабида ўтди.

— Мен, — деб ҳикоя қилади Собиржон ака, — мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ ўқитувчи бўлишни орзу қилардим. Ўрта Осиё Давлат университетининг тил-адабиёт факультетига кириб ўқидим. Шаҳримиздаги бир қатор мактабларда тил ва адабиёт фанидан дарс бердим.

Ҳозирда у ўқитаётган синфларда ўзлаштириш юқори савияда бўлаяпти. Бу ўқув йилида ҳам ўз фани бўйича ўқувчиларини қилиб тарбиялаш ҳар бир педагогнинг шарафли бурчи, — дейди сўзини давом эттириб. — Шунга кўра, мен вақтдан унумли фойдаланиб, дарсларни доимо мазмунли ва кўргазмали қуроллар асосида ўтказиш, талабаларнинг активлигини ошириш учун ҳаракат қиламан. Ўтиладиган темани мисоллар билан тушунтираман. Дарсдан сўнг қўшимча машғулотлар ўтказаман.

Мураббий ёш ўқитувчиларнинг яқин маслаҳатгўйи ва меҳрибон устози. У улардан кўп йиллик иш тажрибасини аямайди.

Жонкуяр зиёкорнинг хизматларини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. Унинг кўксида «Халқ маорифи аълочиси» нишони ва бир нечта медаллар порлаб турибди. 1974 йилда эса кўп йиллик педагогик хизматлари учун Собиржон ака Ҳидоятовга «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган фахрли унвон берилди.

Р. БОЙТУЛЛАЕВ.

* * *

ҲОЗИР областимизда кўпгина машъал мактаблар бор. Ўрта Чирчиқ районидаги 9-ўрта мактаб ҳам ана шундай намунали билим ўчоқларидан.

Тўғри, олдинлари бу ерда таълим-тарбия соҳасида ҳали кўнгилдагидек ишлар олиб борилмаган эди. Педагогик коллективга тажрибали зиёкор Ҳожиакбар Ортиқхўжаев раҳбар этиб тайинланди-ю, иш юришиб кетди. Билим ўчоғи учун янги ҳашаматли ўқув корпуси қуриб берилди. Фан кабинетлари, ўқув лабораториялари очилди. Кўпгина тўғарақлар иш бошлади.

— Дарс ижодий жараён, — дейди ўртоқ Ҳ. Ортиқхўжаев. — Ҳар бир машғулотнинг самарадорлиги учун кураш бизнинг қатъий шиоримизга айланиб қолган. Шу сабабли ўқитувчиларимиз педагогик маҳоратларини ошириб, талабаларга ҳар томонлама пухта билим беришга доим ҳаракат қиладилар.

Эндиликда мазкур даргоҳ педагогик тажрибалар марказига айланиб қолди. Бу ерга, ҳатто чет эллик маорифчилар ҳам келиб, аҳил коллективнинг ибратли ишлари билан яқиндан танишдилар. Қардош Болгария ва Чехословакиядан республикамизга ташриф буюрган ўқитувчилар вакиллари бу ерда таълим-тарбия жуда кўнгилдагидек ташкил этилаётганлигини ўз кўзлари билан кўриб, беҳад мамнун бўлдилар.

Ўқитувчиларнинг бу ва шунга ўхшаш намунали фаолияти область миқёсида ижобий баҳо олди ҳамда машъал мактаблардан бири сифатида эътироф қилинди.

Ўтган йили мактабнинг аълочи ўқувчилари она-Ватан бўйлаб сафарга чиқдилар. Улар қаҳрамон шаҳарларда бўлиб, кўпгина ёш дўстлар орттирдилар. Мактаб СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

Бу йил ҳам мактаб ўқувчиларидан бир неча кишига улуғ доҳиймиз туғилган шаҳарга бориб келиш учун йўлланма берилди.

Я. ТОИРОВ.

* * *

ОҚҚЎРҒОН районидаги 39-ўрта мактабда кўпгина илғор ўқитувчилар фаол меҳнат қилиб келишаётир. Илмий бўлим мудири Раҳим Нуралиев ҳам шарафли касбини жон-дилидан севган моҳир ўқитувчи сифатида эътибор топди.

— Ўқувчини севган, унга ота-онадек меҳрибон муносабатда бўлган педагог кўп китоб ўқиган ўқитувчидан кўра яхшироқдир, — дейди у. — Агар шу икки хислатни ўзида тўла мужассамлаштирган бўлса, у ҳақиқий мураббий бўла олади.

Бунга Р. Нуралиевнинг ўзи ҳам тўла амал қилади. У ўз ишининг чиндан ҳам омилкоридир. Педагогик билими ва малакасини ёш авлодга сарфлаш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялаш иштиёқида яшайди.

«Халқ маорифи аълочиси» нишондори бўлган бу қалби қуёш знёкор ташаббуси билан мактабда таълим-тарбия ишлари савияси анча яхшиланди. Ўқитувчилар машғулотларни илғор метод ва усуллар асосида олиб боришаётир.

Билим ўчоғида педагогик тажрибаларни ёйиш борасида ҳам анча ишлар қилинди.

А. АБДУСАМАТОВ, Т. ЗОКИРОВ.

СЕРГЕЙ ШИКАЛЕВ— МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

«ТАШКЕНТКАБЕЛЬ» заводида ностандарт ускуналар цехининг слесари Сергей Шикалев ишлайдиган жойда «Май» деб ёзиб қўйилган қизил байроқча кўзга ташланиб қолди. Ёш ишчи ўнинчи беш йиллик учинчи йилининг май ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Комсомол-ёшлар бригадасининг раҳбари, Сергейнинг мураббийси Б. А. Шалимов шогирдини эришилган муваффақият билан биринчи бўлиб табриклади. Устирин бундан саккиз йил муқадам заводга кириб келганида уни Борис Александровичга шогирд қилиб беришган эди. Мураббий ўз касбкорининг сирларини сира эринмай чидам билан тушунтирди. Сергейнинг ҳар бир ғалабасидан қувонди. У Сергейга малака ошириш учун техникумни тамомлашни маслаҳат берди. Шикалев эндиликда ўз устозидан қолишмайди. Смена топшириқларини ҳамиша 130—140 процент қилиб бажаради. Ў бригаданинг қолган беш аъзоси билан биргаликда «Октябрь 60 йиллиги номидаги коллектив» унвонига сазовор бўлиш учун курашмоқда.

(ЎзТАГ).



БЕКОБОД районидаги Дзержинский номли колхоз чорвадорлари қишловни муваффақиятли ўтказмоқдалар. Шу кунларда ҳам хўжаликда соғин сигирлардан кўплаб серқаймоқ сут соғиб олинмоқда. Суратда: колхоз партия ташкилотининг секретари А. Туронов сут соғувчиларни янгиликлар билан таништирмоқда.

Т. Маҳкамов фотоси.

Дунё овози
чет эл хабарлари

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

● БЕРЛИН. 1977 йилнинг дастлабки ойи ГДР саноат корхоналари учун муваффақиятли ўтди. Фрейтсал металлургиялари Шверин кабелсозлари, Штральзунд бинокорлари ўз планларини оширib бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

● ЛОНДОН. Шимолий Ирландияда ҳукуматнинг олиб бораётган сиёсатига қарши норозилик белгиси сифатида Англия пойтахти ички ишлар министрлиги биноси оломон томонидан ўраб олинди. Буюк Британия ёш коммунистлар иттифоқи бу ишни ташкил қилди. Бинони ўраб олган ёшлар «Репрессиялар тўхтатилсин!», «Шимолий Ирландиянинг ҳуқуқлари тўғрисида қонун чиқариш керак» деган плакатларни кўтариб турдилар.

● ВАШИНГТОН. Оқ уй олдида оммавий норозилик митинги бўлиб ўтди. Митингда Ҳинди-Хитойда бўлган уруш ветеранлари, урушга қарши ҳаракат иштирокчилари, турли жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар. Намойишчилар Шарқи-Жанубий Осиёда Қўшма Штатлар бошлаган «ифлос уруш»да қатнашишдан бош тортганлиги учун қандай шаклда бўлса ҳам жафо чеккан ҳамма кишиларга дарҳол амнистия эълон қилишни талаб этмоқда.

Намойиш ташкилотчилари президент Ж. Картер номига ёзилган очиқ хатни Оқ уй вакилига топширдилар. Шу хатда «мана шу адолатсиз урушнинг барча муҳолифлари ва қурбонлари ҳеч сўзсиз афв этилсин» деб талаб қилинади.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистонда шу йил март ойининг иккинчи ярмида белгиланган умум парламент сайловига тайёргарлик ишлари кучайиб кетди. Ҳиндистон ҳукмрон миллий конгресс партияси уюштирган биринчи сайловолди митинги Ҳиндистон пойтахтида бўлиб ўтди.

Индира Ганди митингда сўзлаб, халқни Ҳиндистон миллий конгресси учун, «мамлакат барқарорлиги, қудрати ва гуллаб-яшнаши учун» овоз беришга чақирди. Бош министр социал-иқтисодий ислоҳотлар программаси бундан кейин ҳам амалга оширила беради, деб айтди.

(ТАСС, 7 февраль).



ФРАНЦИЯ. Суратдаги меҳнаткашлар колоннаси Парижнинг марказий кўчалари бўйлаб намойиш ўтказишди. Ишчилар синфи йирик касаба союз бирлашмаларининг даъватига жавобан забастовка қилаётган босмахона ходимларининг полиция ва суд томонидан репрессия қилинишини қаттиқ қоралади.

АП—ТАСС телефотоси.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини қишлоқ меҳнаткашлари ҳам зўр қониқиш билан кутиб олдилар. Улар Октябрнинг 60 йиллик тўйига муносиб совға тайёрлаш мақсадида дала ишларини қизғин юбормоқдалар. Ана шулар ҳақида жойлардаги жамоатчи ва штатсиз мухбирлар. «Тошкент ҳақиқати» редакциясига хабар берадилар:

ЯНГИЙЎЛ. «Коммунизм» колхози пахтакорлари ҳар гектар майдондан 52 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилишди. Юқори ҳосил учун колхоз аъзолари ҳар бир кунни ғанимат билиб, дала ишларини намунали олиб боришяпти. Далаларга маҳаллий ўғит чиқариш ишлари жадал суръатлар билан давом этмоқда. Бунга 13 юк трактори ажратилган. Трактторчилардан А. Еқубов, С. Далабоев, Т. Абубакировлар ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Шу кунгача 6 минг тоннадан зиёд ер хамиртуруши дала бошига келтириб қўйилди.

Х. МИРЗАЕВ.

* * *

ТОШКЕНТ. Ленин номли колхозда 25 нафар шофёр ва тракторчилардан иборат зарбдор бригада ташкил қилинди. Улар шу кунгача 4060 тонна маҳаллий ўғитни дала бошларига келтириб қўйдилар. Шунингдек, колхозда 422 тонна уруғлик картошка яровизация қилинмоқда. Ҳозиргача 15 минг кубометр катта ва 1 минг кубометр кичик сув шохобчалари тартибга солиб қўйилди. Эртаки сабзавот кўчати тайёрлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Колхоз аъзолари кўкламги дала ишларига ана шундай тайёрланишмоқда.

Т. ЖУРАЕВ.

* * *

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ. Марра — 60 центнер. «Политотдел» колхозининг Валентин Ким бошлиқ бригада пахтакорларининг аҳди бу. Азамат деҳқонлар айтган сўзлари устидан чиқиш учун барча техника воситаларини кўкламги ишларга шай қилиб қўйдилар. Илиқ-иссиқ кунлардан фойдаланиб ариқ-зовурлар тозаланмоқда. Маҳаллий ўғит жамғариш ишлари қизғин тус олмоқда.

М. ТУРСУНОВ.

* * *

ЧИНОЗ. Ўтган йили пахта ҳосилдорлигини 45,7 центнерга етказган Охунбобоев номли колхознинг Абдураҳмон Бекмуродов бошлиқ бригада пахтакорлари бу йил ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш ниятидалар. Бригада коллективи эрта кўкламги экиш кампаниясига шай туришибди. Пайкаллар структураси яхшиланди, 600 тоннадан ошиқ маҳаллий ўғит жамғариб қўйилди.

Б. ТУРДИЕВ,
Д. ЗИЯЕВА.

ЭРТА ҚЎЗИЛАТИШНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

КПСС XXV съездининг жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш тўғрисидаги тарихий қарорларини амалга ошириш учун тинимсиз қураш олиб бораётган область чорвадорлари қўйчилик соҳасида илғор тажриба ва фан ютуқларидан омилкорлик билан фойдаланиб, йил сайин катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Қўйчиликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда эрта қўзилатиш усули асосий омиллардан бири бўлиб қолди.

Тошкент областининг тоғ ва тоғолди зоналарида жойлашган қўйчилик хўжаликларида 1955 йилдан бошлаб эрта қўзилатиш усули тажриба сифатида қўлланиб, унинг афзалликлари тўла исботланди. Ҳозир илғор чўпонлар ҳар 100 бош совлиқдан 115—120 бошдан соғлом ва тетик қўзи олмоқдалар.

Эрта қўзилатишнинг афзалликларидан бири шундан иборатки, февралда ва март ойининг биринчи ярмида туғилган қўзилар озуқа — минерал моддаларга, турли витаминларга бой бўлган баҳорги эфимер ўтларни истеъмол қилиш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари қўзилар ёшнинг жазирама иссиғига чидамли бўлиб, яхши ўсади ва нормал ривожланади.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, февраль ойининг иккинчи ярмида ва март ойининг бошида туғилган қўзилар ҳар қандай касалликларга, шамоллашга чидамли бўлиб, тирик вазни 38—40, ургочи қўзиларники эса 34—36 килограммгача етади. Кўплаб юқори сифатли қўзи гўшти етиштириш мақсадида ахта қўзиларни келгуси йилга қолдирмай, оналаридан ажратилганидан сўнг ғалла экинларидан бўшаган майдонларда боқилиб ёки пахта қунжараси ва шелухаси билан 45—60 кун давомида боқиб гўштга топширилса, тирик вазни 46—48 килограммдан кам бўлмайди. Бунинг ҳисобига подадаги совлиқлар сонини кўпайтириб, уларнинг умумий салмоғини 70—75 процентга етказиш мумкин.

Эрта қўзилатиш мустаҳкам озуқа базаси яратилган шароитлардагина тавсия этилади. Жамғарилган дағал озуқалар ИГК-30, РКС-12 озуқа майдалагичларида фақат майдаланган ҳолда ёки ОГМ-0,8 аппаратида донадор қилиб берилади.

Бўғоз қўйлар учун рацион тузилганда бўғозликнинг биринчи ярмида ҳар бир бош қўй учун 1,25—1,35 озиқа бирлиги, 120—130 грамм ҳазм бўлувчи протеин, бўғозликнинг иккинчи ярмида эса 1,30—1,45 озиқа бирлиги ва 130—145 грамм ҳазм бўлувчи протеин тўғри келиши керак.

Сут даврининг дастлабки икки ойида яйловларда ҳали ўт камлиги туфайли бу норма бир мунча қўпайтирилади. Бу озуқалардан ташқари рационга сенаж ва пичан уни қўшиб бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки, семизлиги етарли даражада бўлган ва яхши озиқлантирилган совлиқлар сersут бўладилар, натижада қўзилар ҳам дуркун ва тез ривожланадилар.

Қўзилар 2 ҳафталик бўлгандан кейин уларни ҳар хил озуқаларга, масалан омухта ем, майдаланган арпа, дағал-хашакка ўргатиб бориш лозим. Охурларда ош тузи доимо мавжуд бўлиши керак. Қўзилар ҳар хил озиқаларга қанча эрта ўргатилса, ошқозон-ичак системаси шунчалик тез ривожланади.

Янги туғилган қўзиларнинг фақатгина тўқ бўлишига эмас, балки, соғлом ўсишига ҳам жиддий эътибор бериш зарур. Қўзилатиш ўтказиладиган хоналарда шамол, совуқ ва намликнинг олдини олиш керак. Ёш қўзилар сақланаётган хоналар тоза тўшама билан таъминланиб, ҳароратнинг нормал бўлишини назорат қилиш талаб этилади. Бу даврда қўзилар туғилган кунига, соғломлиги ва ривожланишига қараб алоҳида группаларга ажратилади.

Эгиз туғилган қўзиларни эса оналарини тез топиши ва вақтида эмиб туришлари учун алоҳида кичик группаларга ажратган маъқул.

Группалардаги қўзиларни парвариш қилиш учун катта тажрибага эга бўлган чўпонлар тайинланади. Она совлиқлар эса қўтондан ташқарида озиқлантириб борилади. Қўзилар 2—3 ойлигида яйлов ўтларидан бемалол фойдаланадилар ва совлиқлар сутининг бир мунча камайиши уларнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатмайди.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

Кам сутли ва қари совлиқлар гўштга топширилади. Ургочи ва эркак қўзилар алоҳида отарларга ажратилади. Наслнинг қиммати паст бўлган қўчқорларни аниқлаб, алоҳида отарларда боқиб гўштга топшириш мумкин. Қўзиси ажратилган совлиқлардан келгуси йили яна соғлом ва дуркун қўзи олиш учун уларни қўшимча озиқлантириш ва серўт яйловларда боқиш лозим.

Ўзбекистонда кўп йилдан бери эрта қўзилатиш соҳасида эришилган ютуқлар ва бой тажрибалар кенг чорвадорлар оммасининг диққатига сазовор бўлиб келмоқда. Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозида эса бу усул 1968 йилдан буён муваффақиятли қўлланилмоқда. Хўжалик эрта қўзилатилган ҳар 100 бош совлиқдан ўртача 108—110 бошдан қўзи олмоқда, 1976 йил бошида хўжаликда 12 минг бош қўй бўлиб 6 минг бошдан ортиқроғи совлиқлар эди. Қўзи олиш ва уни сақлаб қолиш бўйича «Правда» колхози районда биринчи ўринни эгаллади. Жайлов Қўлдошев, Абдуғани Юсупов сингари айрим тажрибали чўпонлар ҳар 100 бош совлиқдан 118—125 бошдан қўзи олиб, рекорд натижаларга эришмоқдалар.

Бўғоз ва қўзилаган совлиқлар намунали парвариш қилиниб ва тўйимли озуқалар билан қўтон ва иссиқ хоналарда боқилаётганлиги натижасида янги туғилган йирик ва соғлом қўзиларнинг тирик вазни ўртача 5—5,2 килограммни, ургочи қўзилар вазни эса 4,5—5 килограммни ташкил этаётир. Уларнинг оналаридан ажратиш давридаги огирликлари қўчқорларда ўртача 38, ургочи қўзиларда эса 35 килограммдан иборатдир. Хўжаликдаги она совлиқларнинг тирик вазни ўртача 60 килограмм, насллик қўчқорларнинг вазни эса 100 килограмм ва ундан ортиқроқ бўлади.

Хўжаликда мавжуд бўлган 12 минг бош қўй учун қишлов ва қўзилатиш даврларига 2586 тонна сенаж, 9 тонна илдиз мевали, 444 тонна концентрат озуқалар тайёрланган эди. Бу озуқаларнинг асосий миқдори сентябрда қочирилган, яъни эрта қўзилатишга мўлжалланган она совлиқларга едирилди.

Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозининг бош чўпони Мўмин Холтўраев 1976 йилда эрта қўзилатиш усулини қўллаб, ҳар 100 бош совлиқдан 130 бошдан қўзи олишга, уларни соғлом ўстиришга ва сақлаб қолишга эришиб, область чорвадорлари орасида машъал бўлди.

Бўстонлиқ райони хўжаликларида ҳам эрта қўзилатиш усули 1975 йилдан бошлаб қўлланилмоқда. Айниқса, райондаги «Қозогистон ССР 30 йиллиги», Фрунзе номли, «Ленинград», Жданов номли, «Қизил-Ту» колхозларида ва 14-совхозда бу кампанияни ўтказишга яхши тайёргарлик кўрилди. Махсус биноларда иссиқхона, катакчалар, охурлар мавжуд. Керакли инвентарлар билан етарлича таъминланди.

Чўпонлар бригадаси ишчи кучи билан тўла таъминланиб, ҳар бир отарга янги туғилган қўзиларни парвариш қилиш учун 2—3 тажрибали чўпон тайинланади. Эрта қўзилайдиган отарларга мутахассис, яъни зоотехник ва ветеринария ходимлари бириктириб қўйилади. Отарлар тўшама учун сомон билан етарли миқдорда таъминланади. Ҳашак ва концентрат озиқалар ўз вақтида етказиб турилади. Шу туфайли олти хўжаликнинг ҳаммасида ҳар 100 бош совлиқдан 105—110 бошдан соғлом қўзи олишга эришилмоқда.

Шу кунларда пойтахт областининг кўпгина қўйчилик хўжаликларида эрта қўзилатиш компанияси қизғин бошланиб кетди. Бинобарин ҳар бир мутахассис ва чўпоннинг шу кеча-кундузги асосий вазифаси эрта қўзилатишни муваффақиятли ўтказиб, юқори натижаларга эришиш учун она совлиқлар ва қўзиларни яхши шароитда сақлаш, уларнинг тўйимли озиқаларга бўлган талабини тўла қондиришдан иборатдир. Бундан ташқари улар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириб, эрта қўзилатишни мўлжалланган муддатдан кечиктирмай сифатли ўтказган, қўзиларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаган бригадир, чўпон ва бошқа мутахассисларни моддий рағбатлантириш лозим.

В. УРИЦКИЙ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати.

Х. ШЕРАЛИЕВ,
институтнинг илмий ходими.

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАН

ЛУАНДА, 7 февраль. (ТАСС). Ангола олдида турган бош вазифа социалистик жамият қуришдан иборат, деди Ангола Халқ Республикасининг президенти Агостиньо Нето. У Ангола халқ озодлик ҳаракати (МПЛА)нинг мустамлакачиларга қарши қуролли кураши бошланганига 16 йил тўлиши муносабати билан Шимолий Куанза вилоятининг Идолатанду шаҳрида нутқ сўзлади.

Илгари мустамлакачилар қўлида бўлиб келган ишлаб чиқариш воситаларининг давлат контроли остига ўтиши кенг халқ оммаси манфаатлари йўлида чуқур социал-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш учун шарт-шароит яратди, деб таъкидлади президент. А. Нето меҳнаткашларни бутун кучни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга сарфлашга чақирди.

У социалистик мамлакатлар Ангола Халқ Республикасига ҳар томонлама катта ёрдам бераётганликларини уқтириб ўтди.

ИСРОИЛ ЗИНДОНЛАРИДА

ДАМАШҚ, 7 февраль. (ТАСС). Исроил турмаларидаги араблар чидаб бўлмайдиган шароитда азоб чекиб ётишибди. Буни ҳатто Тель-Авивдаги расмий кишилар ҳам тан олишга мажбур бўлмоқдалар. Бу ерда олинган хабарларга қараганда, Исроил қамоқхоналари бош директори Хаим Леви бундай деди: қамоқдаги ҳар бир арабга ўрта ҳисобда 2,2 квадрат метр саҳнли камера тўғри келади. Бир қанча қамоқхоналарда, масалан, Аль-Ҳализада бу майдон бир квадрат метрдан ошмайди.

Доимий қамоқхоналар тўлиб-тошиб кетган. Ҳозир уларда олти мингга яқин киши азоб чекиб ётибди, шулардан 2.300 нафари фаластин қаршилик ҳаракатида қатнашганлиги учун турли муддатларга ҳукм қилинган. Левининг эътироф қилишича, ўтган йили ёзда шунча маҳбус ёнига яна 502 киши қамаб қўйилди.

Камераларининг ҳаддан ташқари торлиги, нфлослиги, овқатнинг сифатсизлиги маҳбуслар орасида юқумли касалликларнинг тез-тез чиқишига сабаб бўлмоқда. Қамоқхона ходимлари арабларни доимий таҳқирлаб, қалтаклаб турганлиги уларнинг аҳволини баттар мушкуллаштирмоқда.

ҚОЛОҚЛИК ВА ҚАШШОҚЛИК АЙБДОРЛАРИ

КАРАКАС, 7 февраль. (ТАСС). Ўз сафларида 6 миллион кишини бирлаштириб турган Латин Америкаси меҳнаткашлари касаба союз маркази бу ерда эълон қилган баёнотида қуйидагиларни таъкидлади: Латин Америкаси халқлари ночор аҳволга тушиб қолганликлари учун ажнабий монополиялар, асосан Америка монополиялари бевосита айбдордирлар. Ишсизлик, қимматчилик, санитарияга хилоф шароит, саводсизлик, қолоқлик, қашшоқлик ва Латин Америкасида ҳукм сураётган бошқа иллатлар уларнинг касофати туфайли келиб чиққан. Монополиялар қитъада фашизмни жорий этмоқдалар. Уларнинг кўп, сатмаси билан Чили, Парагвай, Уругвай ва бошқа мамлакатларда инсон ҳуқуқларини бузилмоқда, ватанпарварларга қарши жабр-зулм ва террор қилинмоқда, меҳнаткашларнинг турмуш даражасига ва демократик ҳуқуқларига ҳужум қилинмоқда.

Касаба союз маркази Америка империализмининг Латин Америкасидаги сиёсатини, унинг қитъа мамлакатлари ички ишларига аралашувини қораламоқда. Баёнотда Қўшма Штатлар Панама канали зонасини Панамага қайтариб бериши, Кубани иқтисодий қамал қилишни тўхтатиши зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Бундан ташқари касаба союз маркази Вашингтон савдо-сотиқ тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқсин, деб талаб қилади ва бу қонунни империализмнинг Латин Америкаси меҳнаткашлари ва барча халқларига қарши иқтисодий агрессия ҳужжати, деб таърифлайди.

У КИМНИНГ ҚЎҒИРЧОҒИ

Мана тўрт ойдан буён Матанзим «Транскей Республикаси» «бош министри» бўлиб, катта бир бинони эгаллаб ўтирибди. Унинг жойлашган биноси олдига катта-катта ҳарфлар билан «Парламент» сўзи ёзиб қўйилган.

Қизиғи шундаки, ўтган йили октябрь ойида «ташкил қилинган» бу кўғирчоқ давлатни ҳозирги кунгача бирорта ҳам давлат танигани йўқ.

Хўш, хўжа кўрсинга байроғи ва герби бўлиб, «Транскей республикаси» деб ном олган бу «давлатга» Матанзимни ким қўнқайтирди? Бундай сиёсий қалбакилик ва жаҳон оммасини чалғитиш планлари кўп йиллардан бери ўйланиб келинган. Бу сиёсий найрангнинг асосий ташкилотчиси эса Жанубий Африка республикасида ўрнатилган ўтакетган реакцион тузумнинг ҳозирги ҳукмдори ва ирқчи партиянинг лидери Форстер жаноблари-дир.

Форстернинг мақсади нимада? Жанубий Африкадаги қонли сиёсий воқеалар ҳали ҳам жаҳон мамлакатларининг кўпчилигида қаҳр-ғазаб уйғотмоқда. Жаҳондаги кўплаб касаба союз ташкилотлари Жанубий Африка республикасининг ирқчилик режимига қарши сиёсатни қаттиқ қоралаб, шу сиёсатга қарши курашаётган Африка халқларига ҳайрихоҳлик изҳор қилиш мақсадида шу йил 17—22 январь кунлари бир ҳафталик бойкот уюштиришди.

Маълумки, Жанубий Африка республикасида кишиларни ирқига қараб ажратишга асосланган сиёсатнинг назариётчиси собиқ бош министр Фервурд эди. Ана шу сиёсат ҳозир ҳам давом эттириляпти. Мамлакат майдонининг 87 процентини ташкил қилган энг унумдор ерлар, йирик саноат марказлари, олтин, олмос, уран, асбест, кўмир ва темир конлари, темир йўллар, океан портлари ҳозир ҳам аввалгидек оқ танли европаликлар қўлидадир. Нормал ҳаёт кечириш учун мосланмаган, ҳали яхши ўзлаштирилмаган территорияларда эса қора танли африкаликлар жойлаштирилган. Бу территориялар «Бантустан», деб аталиб, уларни неча минглаб қора танлилар учун мўлжалланган турмага ўхшатиш мумкин. Одатда бу жойда яшайдиган одамлар ҳар куни узоқ йўл босиб, ишга қатнайдилар, уларнинг маоши оқ танли ишчиларникига нисбатан ўн марта камдир. Кон саноатида ишловчи африкаликлар эса европаликларга қараганда 20 баробар кам иш ҳақи олишади. Ваҳоланки, энг оддий сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилган африкаликлар жаъми 25 миллион киши яшайдиган мамлакат аҳолисининг катта кўпчилигини (18 миллион) ташкил қилади. Худди шу африкаликлар меҳнати билан мамлакатда йилига минг тонна олтин қазиб олинаяпти. Бу олтин конларида асосан Соуэто шаҳрида яшовчи қоратанлилар ишлашади.

Ирқчи ҳукуматнинг қаттиқ назорати остида яшаётган шу шаҳар аҳолиси кейинги вақтда ўзига иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлар берилишини қатъий талаб қилиб чиқмоқда. Бу ерда қора танлиларнинг полиция билан тез-тез тақрорланиб турадиган қонли тўқнашувларига қарамай, ирқчилик сиёсатига қарши, кураш янада авж олмоқда.

Ирқчилар ўз қонли сиёсатларининг бундан ҳам ёмон оқибатларга олиб боришидан, жаҳондаги илғор жамоатчилик қаҳр-ғазабидан қўрқиб ўтган йил октябрь ойида Транскей бантустонини «мустақил давлат» деб эълон қилдилар. Икки миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган бу жойда ирқчилик сиёсати аввалгидек давом эттирилмоқда. Тараққийпарвар кучларга қарши «бош министр» Матанзим «Ҳукумати» қонли чоралар кўрмоқда. Яқинда ирқчилар ҳукмдори Форстернинг Транскейга «давлат визити» билан келиши сиёсий найрангбозликнинг яна бир кўриниши бўлди.

А. ОМИЛОВ.



СЕНЕГАЛ пойтахти Дакарда иккинчи халқаро ярмарка ташкил қилинди. Унда жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакати, жумладан Совет Иттифоқи қатнашди. Суратда: Совет павильонида.

Ю. Федутинов фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ПРОПАГАНДИСТЛАР ЎҚУВИ

ТОШКЕНТ область партия комитети Сиёсий маориф уйида «Коммунистик ахлоқ асослари» тўғараги ҳамда «Ёшлар ва ижтимоий тараққиёт» назарий семинари раҳбарларининг уч кунлик семинари бўлиб ўтди.

Машғулотларда Тошкент олий партия мактаби фалсафа кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари доктори В. С. Никитченко «Ахлоқий тарбиянинг энг муҳим масалалари», Тошкент Давлат университети фалсафа кафедрасининг мудири, профессор К. С. Содиқов «Фантехника революцияси ва ёшлар таълими», тарих фанлари доктори, профессор Г. А. Ҳидоятов «Ленинча миллий сиёсат ва ҳозирги замонда идеологик кураш», Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Ҳ. Ғ. Ғафуров «Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм», Ўзбекистон ССР Фанлар академияси санъатшунослик институти директорининг ўринбосари, санъатшунослик фанлари кандидати А. М. Рибник «КПСС XXV съезди қарорлари асосида адабиёт ва санъатда икки системанинг идеологик кураши масалалари» мавзуларида лекциялар ўқидилар, консультациялар уюштирдилар.


Пропагандистлар ҳузурида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ф. П. Котляр меҳмон бўлиб, у Улуғ Ватан уруши даврида совет ёшларининг жасорати ва ҳозирги кунда уларнинг жанговар анъаналарни давом эттираётганликлари тўғрисида ҳикоя қилди.

Семинар иштирокчилари Тошкент трактор заводи ва республика Фанлар академиясининг ядро физикаси илмий-тадқиқот институтида ташкил этилган очиқ дарсларда қатнашдилар.

Ш. ТЎЛАГАНОВ.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 536 ЙИЛЛИГИГА

ИЛМ ВА МАЪРИФАТ КУЙЧИСИ



Илм Навоий, санга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил.

Алишер Навоий ўзидан аввалги илғор инсониятнинг асрлардан бери яратиб келган маънавий бойликларига ҳеч қачон локайд муносабатда бўлмаган. У башарият вакиллари ва халқ тарафидан бунёд этилган китобларни ўқиди, фикр дурдоналарини ахтарди, ўрганди ва уни танқидий ўзлаштирди.

Навоийнинг жуда катта маънавий илм сарвари эканлигини кўрсатиш учун «Муҳокаматул луғатайн»да келтирилган мана бу сатрларни ўқиш кифоядир:

...«Ингитлигим замони ва шабоб айёми авонида кўпроқ шеърда сеҳрсоз ва назмда фусун пардоз шуороннинг ширин ашъори ва рангин абётидан эллик мингдан ортиқ ёд тутиб мен ва алар завқ ва ҳушхоллиғидан ўзумни овутуб мен».

Шубҳасиз мана шундай илмнинг юксак поялариии эгаллаган Навоий ўзининг бадиий ва илмий ижодида хурофотга қарши ақл, илм, тафаккур қудратини қўяди ва ўзининг гениал даҳоси билан маърифатнинг чарчамас ташвиқотчисига айланади.

Навоийнинг илм-маърифатга бўлган муносабати эпик «Хамса»сида ҳам, «Хазойинул маоний» девонларида ҳам, қатор илмий прозаик рисолаларида ҳам ўз аксини топган. Бу асарларда шоир ўзининг илм ва маърифатга бўлган қарашларини гоҳ насиҳат, гоҳ бадиий образлар воситаси билан акс эттириб берди. Навоий асарларининг жуда кўп ўринларида биз шоҳ ва шаҳзодаларга қилинган панд-насиҳатларни, баъзан жиддий талаблар қўйганини учратамиз. Бу насиҳат ва талабларда шоир жамиятга мувофиқ келадиган халқпарварлик, адолатпарварлик, оликанобликни, тўғрилик, дўстлик, мардлик, олим ва фозилларни ҳурмат қилиш, карам ва саховатли бўлиш каби қатор тараққийпарвар фикрларни илгари суради. Навоий ҳақиқий маънодаги етук олимларни ўз даврининг пайғамбарларига тенглаштиради:

Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилур гўё пайғамбарларга таъзим.

Ўрта аср диний схоластикаси ва хурофоти авж олиб турган бир даврда олимлар мартабасини пайғамбарларга қиёс этиб тасвирлаш, ўз даврига нисбатан катта журъат эди.

Буюк шоир, илм ва маърифат кишиларни барча қийинчиликлардан ҳалос қилувчи олимдир деб тушунтиради:

Кишига неча келса мушкил ҳол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳалол.

Ҳақиқий олим ўз кашфиёти самарасини энг аввал халққа, юртнинг фаровонлигига хизмат этдириши лозим. Бунинг учун олим ўз талантини доимо кўз қорачиғидай асраб, ҳоким табақаларнинг халққа нисбатан зиёнкор муддаоларни ҳисобга олиб, уларга қарши курашиш учун шай бўлиб турмоғи зарур. Ҳукмдорлар манфаатига хизмат қилувчи ҳар қандай олий талант халқ ўртасида ўз қадрини йўқотади ва тезда бадном бўлади. Шунинг учун ҳам Навоий олимлар ўз илмларини кимга ва нимага ишлатаётганлигини билиши зарур дейди:

«...Олим керакки ўз илмининг поя ва миқдорин асрағай, гавҳарни имтиҳон учун тошқа урмағай». Илмга амал қилиб, мол-мулк орттириш учун разиллик йўлига кирмаган олим, шараф-гавҳарнинг кони дейди Навоий:

Олим агар қатъий амал айласа,
Илмға шонста амал айласа,
Солмаса кўз жкфаи дунё сори,
Боқмаса туз дуннйин фонн сорн.
Они шараф гавҳарининг кони бил,
Гавҳару кон, ҳарне десанг они бил.

Навоий кишиларга мурожаат қилиб айтадики, инсон бир соҳа илми билан чегараланиб қолиши керак эмас, жамиятда мавжуд барча илмларни эгаллаш кишилик дунёси учун фақат шараф бахш этади:

Вале илм ичра бўлмай бирга конинъ
Бориднн бахравар ўлсанг не монъ.

Хўш, Навоий кенг халқ оммасига энг зарур қандай илмларни ўрганишни маслаҳат беради? У энг аввало фалсафани, тиббиётни, тарих ва адабиётни ўрганишни тавсия этади. Жумладан тиббий илмлардан хабардор бўлиш киши саломатлиги учун зарурдир:

Ва лекин тиббу ҳикмат эрур хуб,
Ки, сиҳатдур кишн жисмида матлуб.

Лекин халққа хизмат кўрсатадиган ҳақиқий табиб бўлиш учун бу илмнинг ҳавоскори эмас, балки чуқур мутахассиси бўлиши керак. Тиббиёт илмини чуқур эгалламаган табиб беморнинг дўсти, соғайтирувчи халоскори эмас, балки унинг жонига қасд қилувчи жаллоддир. «Маҳбубул қулуб»да илмлик ва илмсиз табибларга баҳо бериб, бир байт келтиради.

Ҳозиқ табибн хушгўй тан ранжнға
шифодур,
Олийю тунду бадхўй эл жонига балодур.

Навоий тарих илмларини ўрганиш жамият учун эмас, фан маданиятни ўзлаштириш ва ривожлантириш учун ҳам ниҳоятда зарурлигини кўрсатиб ўтади. Чунки тарихни билиш ўтмиш хатоларини ва ютуқларидан сабоқ олиш демакдир:

Агар тарих сори айлагунг майл
Мунн билгилки, не иш қилди ҳар хайл.
Не ишдан мамлакат обод бўлди.
Қаю ишдин улус барбод бўлди.

Ўзининг илм ва маърифатга бўлган шу талабини Навоий «Хамса»нинг бадиий образларида, айниқса, яққол гавдалантирган. «Хамса»нинг марказий қаҳрамонлари Фарҳод, Ширин, Қорин, Моний, Мажнун, Лайли, Навфал, Зайд, Искандар ва бошқалар шоир, олим, инженер, рассом, саркарда, меъмор сифатида тасвирланади.

Навоий «Ҳайратул аброр» фалсафий достонида илм ва маърифатга инсониятнинг олий фазилати, ижтимоий тараққиётнинг буюк воситаси сифатида қарайди. Аммо илмнинг мўжизали кучи зебу-зийнат ва дабдабага берилган кишилар ҳукмрон бўлган муҳитда тараққий этиши мумкин эмас эди. Бу муҳитда халқ иши учун жонини фидо қилган олимлар, зиёлилар хор, оғир кулфатлар ичида яшар, жоҳил ва нодонлар иззат ва ҳурматда эдилар. Бу ҳол илм маърифатнинг ҳақиқий жонкуяри бўлган Навоийда ўз муҳитига қарши нафрат ва норозилик уйғотди:

Даҳр иши то халқ ила бўлмиш ситез,
Хор дурур олимү, жоҳил азиз.
Ризлға рифъат билик аҳлига ранж,
Тоғ узра хорою, ер остида ганж.

Илм олиш учун узоқ шаҳарлардан машаққат тортиб келган талабаларнинг азоб-уқубатларини, узоқ умр сарф қилиб ўқиган бу толиби илмларнинг кўплари қашшоқлик, очлик, хор ва бетобликдан ҳалок бўлганларини кўриб шоир уларга чуқур ачиниш билан қарайди:

Зулм дурур ушбуки бир нотавон
Илм тилаб шаҳридин улғай равон
Айни фалокатдин аёғи яланг,
Тўни йўқндин танн доғи яланг.
Эгнида авроқу китоби аннинг
Қилғали таҳсил шитоби аннинг
Оч этибон қорнини муҳтожлиқ,
Тўъмаға муҳтож этибон очлиқ
Халқ купу йўқ бири ёри аннинг
Кўздин учуб шаҳру днёри аннинг
Ғурбат аро ҳолн ёмондан ёмон,
Ҳарне йўқ андин ёмон, андин ёмон.

Мамлакатда илм аҳлларининг хўрланишини, уларнинг фожеаларини ўз кўзи билан кўрган Навоий халқининг «Илми урфон» нуридан юзлари нурафшон бўлишини орзу қилди ва шу орзуларини бадиий образларда умумлаштириб берди. Навоийнинг севган қаҳрамони Фарҳод шоир идеалидаги кўпқиррали илм поляларини эгаллаган халқчил олим сифатида тилга олинади:

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб, таҳқиқнни касб этмаган илм.

Навоий Фарҳод тилидан барча одамларга қарата шундай дейди:

Ҳунарни асрабон неткумдур охир,
Олиб тупроққаму кеткумдур охир...

Шоирнинг «Лайли ва Мажнун» достонидан ҳам илм маърифатнинг таъриф ва тавсиф қилинганлигини кўрамиз. Достоннинг марказий қаҳрамони Қайс буюк шоир ва Фозил олим сифатида тилга олинади:

Топиб илму хнрадга пайванд.
Ҳам олиб эдню ҳам хирадманд
Ақли комилу, каломи маъқул,
Бор эрди манга ҳам асру мақбул
Табъи хушу назми ҳам равондур
Андоқки санга доғи аёндир.

Илмнинг қудрат ва имкониятларига тўла ишонч, айниқса «Садди Искандарий» достонида янада яққолроқ кўринади. Навоий илмнинг юқори чўққисига эришиш учун энг аввало таълим-тарбиянинг ролига зўр эътибор бериш кераклигини айтади. Унинг эътиборича, буюк киши бўлиб етишиш учун насл-насабнинг аҳамияти йўқ. Одамнинг одамлигини белгилайдиган, истеъдод ва иродасини шакллантирадиган асосий омил тарбиядир. Яхши тарбия ва таълим кўрган ҳар бир инсон ҳатто шоҳ даражасигача кўтарилиши мумкин. Навоийнинг Искандари худди шундай эди. Маълумки, Искандар Файлақусснинг ўз ўғли эмас. Уни Файлақус бир вайронадан топиб олади. Навоий етим боланинг Файлақус саройида яхши тарбия топганлигини ва мукамал билим олганини алоҳида бўрттириб кўрсатади. Шу таълим тарбия натижасида Искандар дунёнинг ягона олим ва донишманди даражасига кўтарилди:

Скандарки донои офоқ эди,
Билик ичра офоқ аро тоқ эди.

Мусулмон дунёсида шоҳ, шоҳзодалар ўзларини «Зиллиллоҳи фил арз» (худонинг ердаги сояси) деб ҳисобланган бир пайтда ҳукмдорликни насл-насабга, валиаҳдликка боғлаб эмас, балки илмга, тарбияга боғлаб тасвирланиши ўз даврида жуда катта снёсий аҳамиятга эга эди.

Искандар ҳамма илмлардан баҳраманд бўлган, илмнинг равноқи йўлида тинимсиз меҳнат қилган ва илм аҳлини ҳурмат этадиган ҳукмдор сифатида талқин қилинади. У жуда кўп файласуфлар, олимлар билан суҳбатлашади, ҳар ишни улар кенгаши билан бажаради. Илмга суяниб, мустаҳкам қалъаларни, даҳшатли тилсимларни эгаллайди. Искандар, ҳаёт ва табиатнинг сирларини билишга қизиқади. Қуриқликда кўрган ўсимликлар, конлар, ҳайвонлар ва ҳоказолар уни ҳаноатлантирмайди, у денгиз тагига тушиб, сув қаъридаги дунёни кўришга, унинг сирларини англашга ҳам қизиқади. Сўнгра жаҳонни забт этган Искандар Арасту, Суқрот, Буқрот, Аскалинус каби олимларнинг ёрдами билан махсус асбоблар ясаб, денгиз остига сафар қилади.

Навоий яратган Искандар образи шоир идеалидаги юксак камолатга эришган олим, донишманд, одил, олижаноб, халқпарвар ҳукмдордир. Шоир ўз замонасининг подшоҳини ундан ибрат олишга чақиради, шундай подшо тахтга чиқишини орзу қилади. Шундай қилиб, Навоий буюк маҳорат билан илм ва маърифатнинг зўр қудратини кўрсатиб беради. Улуғ мутафаккир шоир Навоий Урта асрнинг коронғи кечасидан нур ва ёруглик излайди, ўз ўқувчиларида бу нурга муҳаббат уйғотади ва илм-маърифат машъалини юксак-юксакларга кўтаради.

Маҳмуд НАЗАРОВ.

Реклама ва эълонлар

«ТАШГОРТРАНСАГЕНТСТВО» ТАВСИЯ ЭТАДИ ВА ЭСЛАТАДИ

ФАҚАТ «ТАШГОРТРАНСА ГЕНТСТВО» ҚУЙИДАГИ ҲОЛЛАРДА ЖУДА ШОШИЛИНЧ БЎЛСА, СИЗНИ ОРТИҚЧА ТАШВИШДАН ҲАЛОС ЭТИШ УЧУН ЗУДЛИК БИЛАН ЁРДАМГА ЕТИБ КЕЛАДИ:



Мебелни магазиндан уйга келтириш;

Агар сиз юкларингизни темир йўл станциясидан олиб келишни хоҳласангиз;

Мебель, рўзғор асбоблари ва бошқа ҳар қандай буюмни комиссион магазинига, ремонт устахонаси ёки ателъега олиб бориб топшириш;

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бозорга олиб бориш ва бозордан уйга олтиб бериш.

ШУНИ ҲАМ ЭСДА ТУТИНГКИ, АГАР СИЗ ЯНГИ УЙГА КЎЧАЁТГАН БЎЛСАНГИЗ, ЯНА «ТАШГОРТРАНСАГЕНТСТВО»НИНГ ЎЗИГА МУРОЖААТ ЭТИНГ.

Мебель ва уй-рўзғор буюмлари маҳсус автофурғонларда республика пойтахтининг исталган районига етказиб берилади. сизнинг хоҳишингизга кўра, тажрибали усталар мебелларингизни қисмларга ажратиб ва яна йиғиб беради. Лекин, аввалambор Сиз буюмларингизни расмийлаштиришингиз ва заказ учун ҳақ тўлашингиз лозим бўлади. Бунинг учун қўлингизда олтиб бериладиган буюмларнинг таъриф-тавсири бўлиши зарур.

Ҳар қандай справкаларни сиз телефон орқали маълум қилишингиз ёки Транспорт-экспедиция агентлигига учрашишингиз мумкин.

ЮҚОРИДА САНАБ ЎТИЛГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЗАКАЗЛАР ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Каблуков кўчаси, 39. Телефонлар: 33-29-75, 32-77-26;
Т. Шевченко кўчаси, 56. Телефон: 33-21-52;
Урицкий кўчаси, 82. Телефон: 33-75-93;
Навоий кўчаси, 21. Телефонлар: 44-08-63, 44-08-38;
Чилонзор массиви, 11-квартал, 24-уй, 110-квартира. Телефон: 76-52-91;
Чилонзор массиви, «Оқтепа», 28-мебель магазини;
Фарҳод ярмаркаси, 10-мебель магазини;
«Чилонзор» савдо маркази, холодильниклар савдоси бўлими;
Муқимий кўчаси, 1, 47, магазин, электр хўжалик товарлари;
Навоий кўчаси, ярмарка, 25-мебель магазини.
Сельмашская кўчаси, «Авиагородок» ГА, 50-мебель магазини;
Богдан Хмельницкий кўчаси, 63-мебель магазини;
Луначарское шоссеси, марказ, 8-магазин;
Одой бозори, 39-мебель магазини;
Октябрь бозори, 35-мебель магазини;
Эйгельс кўчаси, «Ғалаба боғи», 6-мебель магазини;
Марказий универмаг, хизмат кўрсатиш бюроси, 1-қават;
Вош универмаг, 1-қават, музика асбоблари бўлими;
Киров кўчаси, 3, 55-магазин, электр товарлари бўлими;
Қўйлиқ бозори, 3-мебель магазини;

ЗАКАЗЛАР АҲОЛИДАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СОАТ 8 ДАН 20.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОЛДИНДАН БЕРИЛАДИГАН ЗАКАЗЛАР 3—5 КУН МУДДАТ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИДАН ФОИДАЛАНИШ УЧУН СПРАВКАЛАРНИ СИЗ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН: 33-29-75, 44-08-63, 76-52-91.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

КИТОБХОН ШАҲАР

Кейинги пайтда Ангрен шаҳрида бир қатор кўчма китоб магазинлари пайдо бўлди. Кўмир разрези, ГРЭС, медицина билим юрти ва бошқа жойларда кўчма магазинлар хизматидан китобхонлар мамнун

ОБЛАСТЬ китоб савдосининг Ангрен филиали 1976 йилни муваффақият билан якунлади. Бу коллектив йиллик топшириқни муддатидан бир ой илгари бажариб, планга қўшимча 10 минг сўмликдан зиёд китоб реализация қилди. Жойларда янги нашр этилган китоблар пропаганда қилиниб, китобхонлар конференцияларн ўтказиб турилади. Уларнинг таклиф ва мулоҳазаларн ҳисобга олиниб, шу асосда иш юритилаётир. Шаҳар аҳолиси ёпасига китобхон бўлишда кўчма китоб магазинлари хизмати катта бўлмоқда.

ЯНГИ ГЛАВПОЧТАМТ

Шаҳримизнинг 1-Май кўчасида янги беш қаватли бино қад кўтармоқда. Бу ерга Тошкент шаҳар бош почтамти кўчиб ўтади.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»га қарашли 17-қурилиш бош. қармасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Қораб.оев бошчилигидаги коммунистик меҳнат комплекс бригадаси Злобин методи бўйича ишлаб, кундалик нормани 135—140 процентдан бажармоқда. Улар кўплаб қурилиш материалларини ҳам тежаб қолишмоқда.

Бригада коллективи ҳозир иккинчи ярим йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда. Ар. матурачилардан М. Левада, дурадгорлардан О. Киршенман, гишт терувчи З. Флик ва бошқалар ўзаро мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Бригада аъзолари беш йиллик планни тўрт йилда, улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигигача эса икки йиллик планни бажаришга аҳд қилганлар.

УЙ ТЎЙЛАРИ

Куни кеча Йўлдош Охунбобоев номли майдонда, Бош универсал магазини ёнида иккита турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. 120 га яқин оилага янги уйларнинг калитлари топширилди.

РЕСПУБЛИКАнинг биринчи президенти номи билан юритиладиган бу майдон кундан-кунга кенгайиб чирой очмоқда. Кейинги бирикки йил ичида майдон бутунлай ўзгариб кетди, янги баланд турар-жой ва маъмурий бинолар қад кўтарди, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва бошқа иншоотлар ишга туширилди. Айниқса, шаҳар бош универсал магазинининг орқа тарафида қурилаётган янги микрорайон диққатга сазовордир. Улуғ Октябрь байрамигача қурувчилар 62 квартирали уйни фойдаланишга топширишмоқчилар. Йил охиригача эса бу ерда 200 дан зиёд оила уй тўйларини ўтказади.



«УРТОҚ» кондитер фабрикаси республикамизнинг кекса корхоналаридан бири ҳисобланади. У совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида барпо этилган эди. Ҳозирги вақтда фабрика бир кеча-кундузда 90 тоннадан кўпроқ турли хил ширинликлар ишлаб чиқармоқда. Коллектив қўлидан чиқаётган 12 хил маҳсулот Давлат Сифат белгисига сазовор бўлди. Суратда: конфет цехининг илғор ишчиси, комсомол аъзоси Дилбар Аҳмедова.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

СУД ЗАЛИДАН

ҚАЛЛОБ ЖАЗОЛАНДИ

БИРОР жойда ишлашнинг тайини бўлмаган бекодлик Александра Кан уйига нуқул вермишел таширди. Шунча вермишелни у нима қилар экан? Бу савол ОБХСС ходимларини қизиқтириб қолди.

Тез орада бу жумбоқ ечилди. Маълум бўлишича Кан вермишелни уч баробар қиммат нархда пуллар экан. Тинтув пайтида бутун бошли омборга дуч келишди. Унинг уйидан 120 килограммдан зиёд вермишел чиқди.

Милиция ходимлари А. Кан Қўқондан Бекободга камёб ҳисобланган вермишелни олиб келиб сотишини аниқладилар. Халқ суди чайковчига тегишли жазо берди.

С. НУРМАТОВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Спорт

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ БАРНАУЛГА БОРАДИ

СССР кубоги — «Известия» кубоги учун енгил атлетика турнири энг оммавий мусобақаларга айланиб қолди. Бу мусобақалар тўртинчи марта ўтказилаётир. Енгил атлетикачилар ўтган йил февралда бақс бошлаб, 36 та кучли команда ярим финалга чиққан эди. Ярим финалчилар орасида Тошкент командаси ҳам бор. Ҳамшаҳарларимиз мусобақанинг давомини Барнаулда ўтказадилар. Бу ерда Омск, Душанба, Новосибирск, Хабаровск, Челябинск, Перм, Свердловск, Қарағанда коллективлари билан куч синашадилар. Қолган ярим финаллар Қарағанда, Вильнюс ва Куйбишев шаҳарларида бўлади. Ҳар бир ярим финалда энг яхши натижа кўрсатган тўрттадан команда кубок учун мусобақани давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритади. Асосий кураш шу ой охирида Ленинград шаҳрида бўлади.

Бу мусобақалар ёш енгил атлетикачиларнинг ёзги мав. сумга пухта тайёргарлик кўришига имкон беради.

ЁШ МАСТЕРЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Олмаота шаҳрида шахмат бўйича ёш спорт мастерлари ўртасида мамлакат биринчилиги давом этмоқда. Бу катта мусобақада ҳамшаҳримиз Аъзамов ҳам иштирок этаётир. У кучли рақибларига қарши дуруст натижа кўрсатмоқда. Аъзамов мастер Михальчишинни ютиб, турнир пешқадамларидан бири бўлган Харитонов (Иваново) билан дуранг қилди. Саккизинчи турда у Макаричевдан ярим очко олди.

Ҳозир ёш шахматчилар баҳсида киевлик Гофштейн олдинда бормоқда.

АРМИЯЧИЛАР ПЕШҚАДАМ

Шайбали хоккей бўйича мамлакат чемпионати ниҳоясига етмоқда. Москванинг Марказий армия спорт клуби командаси барча рақибларини анча орқада қолдириб кетиб, ягона пешқадамликни давом эттирмоқда. Армиячилар сўнгги турда пойтахт спартакчилари устидан 6:3 ҳисобида голиб чиқдилар ва ўз ҳисобларига 47 очко ёзиб қўйдилар. Иккинчи ўринда келаётган Москва динамочиларида 37 очко бор.

Телевидение ва Театр

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30— **«Сепсиз қиз»** (бадиий фильм). 12.05 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 15.30 — **Узбекистон бўёқлари** (ҳужжатли фильм). 15.40 — Жаҳон бўйлаб. 16.05 — **«Ватня тоға»** (бадиий фильм). 17.45 — Фан оламида. 18.15 «Горячилар қаердасиз!». 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — **«Уйнқудаги гўзал»** (эртак). 19.30 — **«Камалак».** 20.05 — «Бизнинг қўшниларимиз». «Ульяна Михайловна» (телеспектакль). 20.50 — **«9-студия» кўрсатуви.** 21.50 — Спортлото. 22.00— **«ВАҚТ».** 22.30 —Ҳаҳрамон билан учрашув. 23.30 — Концерт. 00.05— **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.25 — **Мультфильм.** 18.30 «Бойчечак». 19.00 — «Прогресс» программаси. 19.25 — **Миллионлар ленинча университети.** 19.45 — **Ахборот.** 20.00— **«Ғазал мулкининг султони» Алишер Навоий** 21.00 — Ахборот. 21.20 — Концерт. 22.00— **«ВАҚТ».** (Москва). 22.30 — **Узбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойи олдидан.** 22.45 — **«Келди-ю кетди»** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05— Болалар учун фильм. 19.15 — Ўқитувчи экрани. 19.45 — **«Цирюльнядаги драма»** (бадиий фильм). 20.00 — Француз тили. 20.30 — **Янгиликлар.** 20.50 — Беш йиллик-нинг зарбдор вахтасида. 21.10 — Реклама. 21.25 — Биология. 21.55 — Чизма геометрия.

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9|II да **Жизель,** 10|II да **Флория Тоска,** (БССР халқ артисти Зиновий Бабий иштирокида).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9|II да **Парвона,** 10|II да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9|II да **Навоий Астрободда,** 10|II да **Кўнгли ёш қариллар.**

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Эски милтиқ** (катта зал, кундуз ва кечқурун), **Номаълум аёл** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Эски милтиқ — «ЧАЙКА», «МОСКВА» (жуфт соатларда), «НУКУС» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Бир ҳушчақчақ дўстим бор — «ДРУЖБА» (15, 16.40, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Юлдуз юқорига тушади — «ЎЗБЕКИСТОН» (11.40, 14, 16.30, 18.40, 21.00), «ДРУЖБА» (11, 12, 14, 17, 19, 20.00).

Олтин чашма — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Чигал излар — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Бўлиши мумкин эмас — БИЛИМЛАР УЙИ (13, 15, 17, 19.00).

Подшо Пётр ҳабашни қандай қилиб уйлантиргани ҳақида қисса — «КЎКЧА» (тоқ соатларда).

Малиновкада тўй — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 02188. Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1560.